



## SOCIAL PSYCHOLOGICAL CHARACTERISTICS OF THE FAMILY IN ELIMINATING THE MANIFESTATIONS OF DESTRUCTIVE BEHAVIOR IN TEENAGE GIRLS.

Naimova Firuza Iskandar qizi

YoDJU Technical Institute of Tashkent City Student of the direction "pre-school education".

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5253830>

### ARTICLE INFO

Received: 15<sup>th</sup> August 2021

Accepted: 20<sup>th</sup> August 2021

Online: 25<sup>th</sup> August 2021

### KEY WORDS

family, destructive behavior, adolescent girls, social environment, psychological environment, positive, negative.

### ABSTRACT

The Article contains a generalization of socio-psychological features of the family in eliminating the manifestations of destructive behavior that occur in some adolescent girls.

## ЎСМИР ҚИЗЛАРДА ДЕСТРУКТИВ ХУЛҚ КЎРИНИШЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШДА ОИЛАНИНГ ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ.

Наимова Фируза Искандар қизи

Тошкент шаҳридаги ЁДЖУ техника институт  
“Мақтабгача таълим” йўналиши талабаси

### MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 15-avgust 2021

Ma'qullandi: 20-avgust 2021

Chop etildi: 25-avgust 2021

### KALIT SO'ZLAR

оила, деструктив хулқ, ўсмир қизлар, ижтимоий муҳит, психологик муҳит, позитив, негатив.

### ANNOTATSIYA

Мақолада айрим ўсмир қизларда учрайдиган деструктив хулқ кўринишларини бартараф этишда оиланинг ижтимоий психологик хусусиятлари ҳақидаги мулаҳозалар келтирилган.

Жамиятда оиланинг роли ўзининг кучи бўйича бошқа ҳеч бир ижтимоий институтлар билан тенглаштириб бўлмайди. Айнан оилада инсоннинг шахси шаклланади ва ривожланади.

Оилада инсоннинг маънавийлигига асос солинади, хулқий қоидалари юзага келтирилади, шахснинг ички дунёси ва индивидуал сифтлари очиқ берилади.



Оила – ижтимоийлашувнинг бирламчи бугини сифатида кўп асрлик анъаналар, урф-одатларга таяниб яшайди. Оила халқнинг таянчи, маънавий ва ахлоқий мерос маконидир. Оила бола шахсининг шаклланишига фаол таъсир кўрсатадиган биринчи ва асосий ижтимоий гуруҳдир. Оила ижтимоий микромуҳитдир ва ўсмир руҳиятини шаклланиши ривожланиши учун муҳим омилларидан биридир. У боланинг жисмоний, психик ва ижтимоий ривожланишига таъсир кўрсатади. Ўсмир оилада олган тарбия кейин бир умрга сақланиб қолади. Оиланинг тарбия институти сифатида муҳимлиги шундаки, ўсмир унда ҳаётининг кўп қисмини ўтказади ва шахсга таъсир этувчи муддати бўйича бирорта ҳам тарбия институтлари оилага тенг кела олмайди.

Ўсмир тарбиясида оиланинг роли ҳақида Э. Фромм: “Оила – ўзига хос

жамиятнинг” психологик воситачиси, шунинг учун оилада адаптация жараёнида ўсмир кейинчалик жамиятда адаптация ва турли ижтимоий муаммоларни ечиш асоси бўлиб қоладиган характерни шакллантиради, деган эди.

Оилада тарбия топаётган ўсмир қизлар уларнинг хулқида турли позитив ва негатив ҳаракатларнинг пайдо бўлиши дарҳақиқат, ўсмир қизларнинг оилада қайсидир характер хислатларини ўзида мужассамлаштириши билан ижтимоий муҳитда ҳам уни намоён қилади.

Агрессиянинг оилада намоён бўлиш шакллари турлича. Бу восита ижтимоий ва жинсий зўравонлик, совуққонлик, салбий баҳолар, шахсни руҳан эзиш,

ўсмир қизларни эмоционал қабул қилмаслик бўлиши мумкин. Оила аъзолари агрессив хатти-ҳаракатни яъни, ўсмир қизлар хулқида намоён бўлган оғишларни ўзлари бартараф этишга ёрдам беришлари лозим.

Ўсмир қизларда деструктив хулқ кўринишларини шаклланишига кўпчилик ҳолларда оилавий шарт-шароитлар, ота-онанинг ёки қариндошларнинг ичкиликбозлиги, уларнинг ахлоққа зид хулқ-атворлари салбий таъсир ўтказади.

Номақбул оилавий шарт - шароитлар тарбияси оғир ўсмир қизларнинг шаклланишидаги энг асосий омил бўлиб ҳисобланади. Ота-оналарнинг жанжаллари, ўсмир қизларнинг жисмоний жазоланиб турилиши, табиий равишда тормозлашув меъёрлари бузилишига, қизиққонлик, ўта кўзғалувчанлик, ўзини қўлга ола билмаслик каби иллатларнинг туғилишига сабаб бўлади.

Ўсмир қизлар хулқида деструктив хусусиятларни пайдо бўлишига турли оилавий омиллар таъсир этиши мумкин. Масалан, оилавий бирлашишнинг паст даражаси, тўқнашув, қизлар ва ота-она ўртасидаги етарли бўлмаган яқинлик, ўсмир қизлар ўртасидаги салбий муносабатлар, оила тарбиясининг ноадекват усули, масалан, ўта қаттиқ жазо қўллайдиган, ўта қаттиқ назорат қилувчи ота-оналар ёки аксинча ўсмир қизлар машғулотларини назорат қилмайдиган ота-оналар фарзандида учрайдиган агрессия билан кўпроқ дуч келишади.

Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, шахснинг агрессив хатти-ҳаракатига



таъсир этувчи хусусиятларидан бири – бу фрустрацияни кўтара олмаслик қобилиятидир. Маълумки, фрустрация эҳтиёжларни қондиришда ёки мақсадга эришиш йўлида пайдо бўлган тўсиқлар туфайли ккелиб чиққан ҳолатдир.

Худди шу пайтда ўсмир қизларда ҳам ота-она ва яқинлари уни тушунмаслиги ва аксинча унга нисбатан қаттиққўллиги натижасида агрессив хатти-ҳаракатлар, ўсмир қизлар хулқида оғишлар намоён бўлишини кузатишимиз мумкин. Демак, ўсмир қизларнинг агрессив хулқи шаклланишида асосан ота-она таъсири кузатилади ва оила тарбиясидаги қўйидаги омиллар катта рол ўйнайди:

- Ўсмир қизлар ҳаракатидан қониқмаган ота-она реакцияси;
- ўсмир қизлар ва ота – оналар ўртасида муносабатнинг характери;
- Ака-ука, опа-сингиллар ўртасидаги муносабатлар характери;
- ота ёки она ёки икковлари билан бўлган ёмон муносабат.

Шунингдек, ўсмир қизлар ота-оналарнинг қўллаб-қувватламаслиги ва уларнинг қизиқишларига бепарволигини сезса, қўйидаги вазиятлар юзага келиши мумкин:

- жинойтчилик фаолиятига кириб кетиш;
- бошқа ўсмирларга қарши чиқиш;
- ўз ота-онасига нисбатан ўзларини агрессив ҳолда тутиши мумкин.

Ўсмир қизлар хулқидаги оғишлар асосини аввало оила муҳити ташкил қилиши ва оиладаги ўзаро бир-бирини психологик томондан тушунмаслиги натижасидир.

Ўсмирлик кескин ўзгаришлар давриликни ҳисобга олган ҳолда,

уларга алоҳида эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқдир. Акс ҳолда эса, юқоридаги салбий хусусиятлар ўсмир характери, унинг хатти-ҳаракатини тубдан ўзгартириб юборади.

Ота-оналар хулқи ёмон, қонунга ҳилов равишда ҳаёт кечираётган оилалар ва бу оилаларда яшаш-турмуш шароитларн энг олдий санитар-гигеник талабларга жавоб бермайди.

Бундай оилаларда одатта болалар тарбияси билан ҳеч ким шуғуланмайди, болалар қаровсиз қоладилар, ярим оч бўлиб ривожланишда ортда қоладилар, ота-оналар, бошқалар томонидан ҳам жабирланадилар, ижтимоий педагогларнинг бундай оилалар билан ишлашлари, ҳуқуқни ҳимоя қилиш оргинлари билан биргаликда ҳамда васийлик қилиш органлари билан ҳамкорликда олиб борилиши керак.

Ота-оналар ва ўсмир қизлар ўртасида юзага келадиган низолар ҳам тарбиявий ишни қийинлаштиради, ўсмир қизларга салбий таъсир кўрсатади. Бундай низо, келишмовчиликлар ўсмир қизларнинг ахлоқига таъсир этади.

1. Дунёқарашлар орасидаги мавжуд фарқни ҳисобга олмаса «Деструктив хулқли» ўсмир қизлар кўпаяди.
2. Ёшлар, ўсмирларнинг бўш вақти мустақил ташкил этилмаса «Деструктив хулқли» ўсмир қизлар кўпаяди.
3. Ота-оналар ичкиликка ружу қўйса ёки ор-номусни йиғиштириб қўйиб бузуқчилик қилса, «Деструктив хулқли» ўсмир қизлар кўпаяди.
4. Ота-оналарнинг психологик-педагогик билим савиялари етарли



даражада эмаслиги натижасида «Деструктив хулқли» ўсми қизлар кўпаяди.

Инсоннинг биологик, физиологик, психологик ўсишининг энг мураккаб ўзгаришлар, қайта қуришлар, умид, интилишлар даври ва шу билан бирга оғир инқирозлар салбий ҳолатлар, кечинмалар даври ҳамдир.

Маълумки, тўлиқ оилаларда барча турмуш тарзи учун ҳамма нарса муҳайё, ўсмирлар барча зарур нарсалар билан таъминланган бўлади. Бундай оилалардаги барча муаммоларни оналар биргаликда ҳал қилишади.

Нотўлиқ оилаларда эса аксинча бир кишининг зиммасига тушади, тарбия борасидаги қийинчиликлар ҳам, оиланинг моддий таъминоти ҳам унинг елкасида бўлади.

Турмушдан ажралган аёл, имконияти борича ўсмир қизлари учун тўкин имкониятларни муҳайё қилишга, барча шароитларни яратиб беришга интилади. Бироқ, бундай шароитни яратиш учун ишхонада кўпроқ ишлашга мажбур бўлади, натижада, ўсми қизлар тарбияси учун имкониятлари чекланиб қолади.

Оиладан кетиб қолган отанинг фарзандлари учун кўрсатадиган моддий ёрдами бир қанча маънавий-ахлоқий муаммоларни келтириб чиқаради, улар ўсмирлар характерида у ёки бу даражада таъсир кўрсатади. Муаммоларнинг ижобий ҳал қилиниши фақат ўсмирларнинг характер хусусиятларига эмас, балки онанинг ва бошқа кишиларнинг ўзаро муомала муносабатларига ҳам боғлиқдир.

Нотўлиқ оилада иқтисодий ва айниқса, ахлоқий жиҳатдан кўплаб муаммолар ўсмир қизларда психологик инқироз ҳолатларини келиб чиқиши асосида деструктив хулқ кўринишларини шаклланишга олиб келиш эҳтимоли кучаяди.

Оилада ўсмир қизларни тарбиялаш ўзининг бир қанча миллий хусусиятларига эга. Улар халқнинг шаклланган оилавий анъаналари, урф одатлари, халқнинг руҳияти, ҳаёти ва турмуш тарзидир.

Оилавий келишмовчиликлар, оналар ва ўсмир қизлар ўртасидаги тенгсизликка асосланган муносабатлар, айрим она-оналарнинг маданият ва маълумотининг нисбатан паст савияда эканлиги мавжуд тарбияга оид билимларни ўзлаштиришга ҳалақит беради.

Беқарор кайфият, ҳаётий ўзгаришлар оилавий муҳитда қарама-қаршиликни вужудга келтиради. Ўсмирнинг шаклланишида она-оналар билими ва тажрибасининг, тарбиявий таъсир кўрсатишнинг орқада қолаётганлиги кузатилмоқда.

Оилаларни ҳар томонлама ўрганиш, уларнинг фаолиятларини қиёсий таҳлил этиш ва баҳолаш мақсадида кўплаб оилаларда табиий кузатишлар олиб борилади. Психологик тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

1. Оиланинг тарбиявий самарадорлигини ошириш омилларидан бири ўсмир қизларнинг камолотга етказиш учун уни ҳар томонлама ўрганиш, шунингдек, оилавий тарбия



усуллари ва шаклларига ижодий ёндашиш, уни

такомиллаштиришдир. Ўсмир қизларни ҳар томонлама ўрганиш уларни ўқишга, меҳнатга, ўз-ўзига, ўраб турган муҳитга, инсон камолоти учун зарур бўлган сифатлардан энг муҳимларини ажрата олишга ўргатиш имконини беради.

2. Ота-оналар ўртасида тарбияга оид билимларни тарғиб қилиш, айниқса, оилавий тарбияда қийинчиликка учраётган ота-оналарга жамоатчилик ёрдамини кучайтириш лозим.

3. Оилавий тарбияда ижобий ютуқларни қўлга киритган ота-оналарнинг тажрибаларидан фойдаланиш учун уларни мактабнинг кенгайтирилган йиғилишларига, ота-оналар қўмиталарининг мажлисларига таклиф этиш ва ўз тажрибалари билан ўртоқлашишни йўлга қўйиш ниҳоятда муҳимдир.

Амалиётчи психологларнинг оила билан олиб бориладиган иш шакллари қуйидаги методлар орқари амалга оширилиши лозим.

Булар якка тартибдаги суҳбатлар, шартномалар ва оилавий психокоррекция дастурларини тузиш, маслаҳат, психопрофилактика, психологик, коммуникатив ва ижтимоий тренинглар.

Оила билан ишлаш коррекцион дастури, одатда, қуйидаги режа асосида амалга оширилади:

➤ ота-оналарга тарбиянинг турли масалалари бўйича педагогик тушунтиришлар бериш;

➤ ота-оналар ва ўсмирларнинг биргаликдаги фаолият турлари ва шаклларини аниқлаш;

➤ турли тоифадаги оилалар, айниқса, номақбул оилалар билан якка тартибда ишлаш.

➤ оилавий муаммоларни ҳал этишга бир бирларининг нуқтаи назари билан қараш.

Амалиётчи психолог иштирокида ўзаро тушунишга асосланган конструктив диалоглар ўтказиш Оилада қатъий интизом ва кун тартибининг бўлиши ўсмир қизлар тарбиясига ижобий таъсир қилади.

Ўсмир қизларнинг билим олишдаги ютуғи, ахлоқи, саломатлик даражаси кўп жиҳатдан оилада қарор топтирилган оқилона режимга боғлиқ.

Шунинг учун ота-оналарнинг ўзлари ҳам бу борада ибрат кўрсатишлари, оқилона тузилган оила режимига қатъий амал қилишлари, фарзандларга ҳам ўргатишлари даркор.

Ўсмир қизларда деструктив хулқ кўринишларини келиб чиқишини олидини олишнинг энг муҳим шарт оиланинг мустақкам, маънавий соғлом асосда қурилганлиги, аввало, ота-оналарнинг ўзлари тарбияланган бўлишлари, улар ўртасида тотувлик, аҳиллик барқарор бўлиши, фарзандларни келажак ҳаётга тайёрлаш уларнинг кундалик эътиқод тарзида масъулиятли бурч эканлигини онгли тушунишлари керак.



## **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Тўлаганова Г.К “Тарбияси қийин ўсмирлар”.Т.:Университет, 2005 й
2. Тўраева.О “Оилавий ҳаёт этикаси ва психологияси” Т.:Ўқитувчи 1998 й
3. Т.Сулеймонова.М.Халимова.У.Шобдурахимова.Ўсмирларда деструктив хулқнинг ижтимоий психологик хусусиятлари. Андижон:..АДУ- 2017 й
4. У.Қодиров “Ёшларни деструктив гуруҳлар таъсиридан ҳимоялашда таълимнинг аҳамияти (XXI аср психологияси: назария, амалиёт, истиқболлар Халқаро илмий-амалий Конференция материаллари.Т.: 22 май 2013 йил.